

МММК фани

2-лекция

Мавзу:

**МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИНИНГ
МАХСУС КУРСИ” ФАНИНИНГ
АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ ВА
ТАЪРИФЛАРИ.**

Режа:

- 1. Фан бўйича асосий тушунчалар ва таърифларнинг аҳамияти.
- 2. Асосий тушунчалар ва таърифлар моҳиятини белгиловчи ҳужжатлар.
- 3. Фаннинг асосий тушунчалари ва таърифлари моҳияти.

Фан бўйича асосий тушунчалар ва таърифларнинг аҳамияти.

- „Меҳнат муҳофазасининг махсус курси“ фанининг ҳам ўз тушунчалари ва таърифлари мавжуд.
- Бу тушунча ва таърифларни билиш, уларнинг моҳиятини чуқур англаш фанни ўзлаштиришда катта аҳамиятга эга.

Асосий тушунчалар ва таърифлар моҳиятини белгиловчи ҳужжатлар

- Ўз.Р. “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги” қонуни.
- Ўз.Р. Меҳнат кодекси.
- ГОСТ 12.0.002-2003. Асосий тушунчалар ва таърифлар.
- Бошқа меъёрий – ҳуқуқий ва техник ҳужжатлар.

Фаннинг асосий тушунчалари ва таърифлари моҳияти

- **МЕҲНАТ ШАРОИТИ**— меҳнат жараёнида инсон саломатлиги ва ишлаш қобилиятига таъсир қилувчи ишлаб чиқариш муҳити омилларининг мажмуидир.
- **ЗАРАРЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛИ** – бу шундай омилки, маълум бир шарт –шароитда, унинг таъсири натижасида ишловчининг иш қобилияти пасаяди ёки касалланишга олиб келади. (Газ, чанг, буғ, шовқин, титраш ва ҳ.к.)
- **ХАВФЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛИ** – бу шундай омилки, маълум бир шарт-шароитда унинг таъсири натижасида ишловчининг соғлиқи бирданига ёмонлашади ёки жароҳатланади. (Ҳаракатдаги машина ва механизмлар, уларнинг ҳаракатланувчи қисмлари, электр токи, заҳарли моддалар, радиация ва ҳ.к.)

- **ЗАРАРЛИ МОДДА** – бу шундай моддаки, одам организмига таъсири натижасида у ишлаб чиқариш жароҳатланиши, касбий касалланиш ёки соғлиқда салбий ўзгаришлар келтириб чиқариши мумкин (ишловчининг ўзида ёки унинг авлодларида).
- **КАСБИЙ КАСАЛЛИК** – бу шундай касаллики, у зарарли ишлаб чиқариш омилларининг таъсири натижасида юзага келади. (Хроник бронхит, титраш касаллиги ва ҳ.к.).
- **ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ БАХТСИЗ ҲОДИСА** - иш вақтида ишловчига хавфли ишлаб чиқариш омилларининг таъсир этиш ҳодисаси.

- **ЖАРОҲАТЛАНИШ (ШИКАСТЛАНИШ)** — ишлаб чиқаришдаги зарарли ёки хавфли таъсирлар натижасида инсон тери қоплами ёки органлари физиологик бир бутунлигининг бузилиши.
- **ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САНИТАРИЯСИ** – ишловчиларга зарарли ишлаб чиқариш омилларининг таъсирини камайтириш ёки олдини олишнинг ташкилий тадбирлари ва техник воситалари тизими.
- **ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИ** — ишловчиларга хавфли ишлаб чиқариш омилларининг таъсирини бартараф қилишнинг ташкилий тадбирлари ва техник воситалари тизими.

- **ЭЛЕКТР ХАВФСИЗЛИГИ**— одамларни электр токи, электр ёйи, электромагнит майдонининг зарарли ҳамда хавфли таъсиридан муҳофаза қилишни таъминлайдиган ташкилий тадбирлар ва техник воситалар тизими.
- **ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ ҲИМОЯ ВОСИТАЛАРИ** – қўлланилиши натижасида битта ёки ундан кўп бўлган ишловчиларга зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омилларининг таъсирини камайтирадиган ёки олдини оладиган воситалар.
- **ШАХСИЙ ҲИМОЯЛАНИШ ВОСИТАЛАРИ** – битта ишловчини муҳофаза қилиш учун хизмат қиладиган воситалар.
- **ГУРУҲИЙ ҲИМОЯЛАНИШ ВОСИТАЛАРИ** – бир вақтнинг ўзида иккита ва ундан кўп бўлган ишловчиларни муҳофаза қилиш учун хизмат қиладиган воситалар.

➤ **ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛИНИНГ ЭНГ
ЮҚОРИ ЙЎЛ ҚЎЙИЛАДИГАН
ДАРАЖАСИ (ЭЮД) –**

бу ишлаб чиқариш омилининг шундай даражасики, маълум, аниқ бир вақт давом этувчи ишни бутун иш стажи давомида бажарганда ҳам, унинг таъсири натижасида жароҳатланиш, касалланиш ёки соғлиқда ўзгариш иш жараёнида, ёки ҳозирги ва кейинги авлодлар ҳаётида кузатилмайди.

➤ ИШ ЗОНАСИ ҲАВОСИ ТАРКИБИДАГИ
ЗАРАРЛИ МОДДАЛАРНИНГ ЭНГ ЮҚОРИ
ЙЎЛ ҚЎЙИЛАДИГАН
КОНЦЕНТРАЦИЯСИ (ЭЮК) —

булар шундай концентрацияларки,
уларнинг таъсири натижаси, кунига 8
соат, ҳафтасига 40 соатдан бутун иш
стажи давомида ишлаганда ҳам иш
жараёнида, ёки ҳозирги ва кейинги
авлодлар соғлигида замонавий услублар
билан аниқлаб бўладиган ўзгаришлар
келтириб чиқармайди.

➤ ЁЎҒИН ХАВҒСИЗЛИГИ —

бу объектнинг шундай бир ҳолатики, унда, маълум бир эҳтимоллик билан, ёнғин чиқиши ва кучайиши, ҳамда одамларга ёнғиннинг хавфли омилларининг таъсири истисно қилинади, ва моддий бойликларнинг муҳофазаси таъминланади.

Эътиборингиз учун раҳмат

